O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

***Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.***

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 19-aprel • Payshanba • 47 (27.692) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОҲИРА УЧРАШУВЛАРИ

**(Қоҳира, 18 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Миср Араб Республикаси Президенти саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳусний Муборак шоҳсупага кўтарилдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, Ўзбекистон ва Миснинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Ҳусний Муборакнинг Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ёндашувлари ўхшаш. Гуманитар ҳамкорлик доирасида илм-фан, таълим, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқалар фаоллашмоқда. Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам истиқболи порлоқ. Юқори технологиялар, саноатнинг бир қатор тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш — булар ҳам ҳамкорлик, ҳам тажриба алмашиш учун қулай соҳалардир.

Икки мамлакат ҳам ташқи сиёсатда тинчликпарварлик тамойилларига таянади. Миср Қўшилмаслик ҳаракати асосчиларидан бири бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббускоридир. Президентлар террорчилик, экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш зарурлиги борасида ҳамфикрдирлар.

Президентлар раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Миср расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатда ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Лекин бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Масалан, юқори технологиялар, жумладан, биотехнология соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сайёҳлик ҳам устувор йўналишлардан. Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хивани зиёрат қилиш истагида бўлганлар, Ўзбекистонда эса Миснинг тарихий обидаларини, хусусан, эҳромларни кўриш иштиёқидаги сайёҳлар кўп. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ҳамкорликнинг улкан имкониятлари намоён бўлди.

Илмий-маданий алоқалар бу йўналишдаги кўп асрлик ҳамкорлик тажрибаси ва анъаналарига таянади. Нил дарёсида улуғ бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний томонидан IX асрда бунёд этилган сув миқёсини ўлчайдиган иншоот бугун ҳам хизмат қилиб келаётганининг ўзи ёрқин мисолдир. Икки мамлакатнинг академик доиралари, маданият ва санъат намояндалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Олимлар қадимий қўлёзмаларни ўрганиб, реставрация қилмоқда. Миср-лик хонанда ва созандалар орасида Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали катта довруғ қозонган.

Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Томонлар барча соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Кубба» қароргоҳида Миср Бош вазири Аҳмад Назиф билан учрашди. Мулоқот чоғида ушбу ташриф Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, «Ўзинфоинвест» агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, «Банк дю Каир» ва «Банк Мисрий» ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайтни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, маслаҳатлашувларни мунтазам йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз борди.

Миср араб дунёсининг етакчи мамлакатларидандир. Араб давлатлари лигасини ташкил этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам расмий Қоҳира муҳим ўрин тутган. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ушбу ташкилот Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги, у орқали араб давлатлари билан муносабатларини ривожлантириш масалалари асосий мавзу бўлди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Араб давлатлари лигаси Бош котибияти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қоҳира марказидаги Номаълум аскар монументи ва Анвар Саодат мажмуини зиёрат қилди, ёдгорликлар пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Р.Ш.ЧАГАЕВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2007 йил 17 апрель

❖ **Ўзбекистон ифтихорлари**

## БУЮК ВА ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА РУСЛАН ЧАГАЕВ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ



Мана беш кундирки, мамлакатимизда байрам руҳи тантана қилмоқда. Ҳамюртларимиз ғалаба нашидасини суришмоқда, қалбларида катта ҳаяжон, қувонч, шодлик, фахр-ифтихор туйғулари жўш урмоқда. Халқимиз бир-бирларини ғалаба билан қутламоқда. Қайси даврада бўлманг, суҳбат мавзуи Русланнинг мардлиги, жасорати, маҳорати ҳақида.

Маълумки, ҳукуматимиз ташаббуси билан жаҳон чемпионлиги учун бўладиган муҳим жангда Русланни қўллаб-қувватлаш, унга далда бериш мақсадида спорт фахрийлари, мухлису журналистлардан иборат гуруҳ Германияга юборилганди. Улар орасида газетамиз Бош муҳаррири Сафар Остонов ҳам бор эди. Қуйида унинг дастлабки таассуротлари билан танишасиз.

2-бет

❖ **Экспорт — мамлакат таянчи**



## ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Пойтахтимиздаги «Дойче — Кабель АГ Тошкент» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган кабель маҳсулотлари қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда

Мамлакатимизда хорижий сармоядорларнинг эркин фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизимининг яратилганлиги боис, чет эллик шериклар билан ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бундай ислоҳотларни ўтказишдан асосий мақсад эса илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш ва амалдагиларини қайта қуриш асосида иқтисодиётни замонавийлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ҳамкорлиги маҳсули — «Дойче — Кабель АГ Тошкент» акциядорлик жамияти ҳам ана шундай мақсадларни кўзлаб ташкил қилинган.

Ўзининг илк фаолиятини 1999 йилда телефон алоқаси, компьютерлар ҳамда юқори кучланишли электр тармоқлари учун мўлжалланган кабеллар ишлаб чиқаришдан бошлаган мазкур қўшма корхона маҳсулотлари бугун «MADE IN UZBEKISTAN» тамғаси билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида маълум ва машҳур.

Корхона йилига 3 миллиард 500 миллион сўмликдан зиёд турли русумдаги кабеллар тайёрламоқда. Бундан ташқари, турли ўтказгичлар ҳам жаҳон бозорида ўз харидорларини аллақачон топган. Тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми Афғонистон, Тожикистон, Грузия каби қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.

— Маҳсулотларимиз ўзининг юқори сифатлилиги ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради, — дейди **қўшма корхона раҳбари Элбек Мустафоев.** — Боиси, улар барча зарур сертификатларга эга бўлиб, ISO 2001 халқаро стандартларига мос. Эндиги мақсадимиз — имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳон андазаларига мос маҳсулотларимизнинг экспорт ҳажмини янада ошириш ва ички ҳамда ташқи бозордаги ўрнимизни кенгайтиришдан иборат.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

✧✧✧

***Суратларда:*** *қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.*

**Козим ЎЛМАСОВ**
**олган суратлар.**

## НАВРЎЗ НАФОСАТИ ПАРИЖЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Парижда 1947 йилдан буён рус тилида нашр этиладиган «Русская мысль» газетасининг ахборот иловаси — **«Париж Инфо»** саҳифаларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Парижда ташкил этилган байрам кечаси ҳамда Наврўзи олам байрамига бағишланган мақолалар босилиб чиқди.

**«Ўзбек баҳори Парижда»** сарлавҳали репортажда Парижда мазкур жамғарма ваколатхонасининг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали кеча хусусида атрофлича ҳикоя қилинади.

«Бу йил Парижда 21 март баҳорнинг кунига ўхшамас, у рутубатли, совуқ ва осмони булутли эди», — дея ёзади нашр. — «Аммо ўтказилган кеча ўзбек маданияти билимдонлари ва ихлосмандлари учун жуда ёрқин ва файзли кечди. «Карузели Дю Лувр»нинг катта залида жамғарма томонидан ўтказилган ушбу тадбир иштирокчиларни ўзига мафтун этди».

Кеча доирасида «Офарин» ансамбли ва «Гранд Мастер» ёшлар рақс гуруҳининг миллий дастурлари билан бирга ўзбек ёш дизайнерлари коллекцияси ҳам намойиш этилганини нашр алоҳида таъкидлайди.

«Айниқса, Ҳакимовлар оиласининг бубна кўринишидаги зарбли чолғу асбоби — доира ижроси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Созандалар оғир вазнли шаклларни ҳам юксак маҳорат билан қойилмақом тарзда ижро этдилар», деб ёзади «Париж Инфо».

Унда мазкур тадбир нафақат жамғарма ваколатхонасининг Парижда очилишига, балки жамғарманинг ЮНЕСКО билан келишув ҳақидаги меморандуми имзоланишига ҳам бағишлангани ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«22 март куни Люксембург саройида ўтказилган ва ўзбек халқининг муҳим тараққиёт босқичларини ўзида акс эттирган «Ўзбекистон фото санъати 125 ёшда» нодир суратлар кўргазмаси мазкур тадбир арафасига тўғри келди, деб ёзади нашр. Жамғарма ваколатхонасининг айнан Париж шаҳрида очилиши бежиз эмас, албатта. Бинобарин, бу кўркам ва бетакрор шаҳар ҳақли равишда Европа маданиятининг пойтахти ҳисобланади. Ушбу воқеа Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир».

**«Наврўздан Наврўзгача»** сарлавҳали мақолада эса ўзбек халқининг энг гўзал, ёрқин ва мафтункор баҳор байрами — Наврўзи олам ҳақида газетхонларга батафсил маълумот берилади.

«21 мартда кенг нишонланадиган Наврўз янги йилнинг бошланиши ҳисобланади. Наврўз муносабати билан Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида қадимқадимдан катта халқ сайиллари ва байрам бозорлари ташкил этилган. Шунингдек, кўпкари, кучук ва товуқ уруштириш мусобақалари ўтказилган. Ўзбекистонда нишонланадиган Наврўз байрами билан боғлиқ урф-одатлар орасида энг асосийси — ун ва ундирилган буғдойдан оловда қайнатиб тайёрланадиган тотли таом — сумалакдир. Кўкариб чиққан ғалла — ҳаёт, иссиқлик, фаровонлик ва саломатлик рамзи ҳисобланади».

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА**
*Париж.*

❖ Ўзбекистон ифтихорлари

# БУЮК ВА ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

Ҳар бир юртнинг шундай асл фарзандлари бўладики, улардан бутун халқ, миллат фахрланади, ғурурланади. Бундай фарзандлар ўзларининг ноёб иқтидори, жасорати ва мардлиги билан ўз халқи, Ватани обрўсига обрў қўшади, нуфузи ва шуҳратини оламга ёяди. Ўша халқнинг қаҳрамонига айланади, вояга етаётган ёшлар учун мардлик, ватанпарварлик тимсоли бўлиб қолади.

Бугун биз катта ишонч ва ифтихор билан айта оламизки, оддий оилада туғилиб вояга етган, нафақат рингда, балки ҳаётда ҳам кўп қийинчилик ва синовларни бошидан ўтказган, лекин ўз орзуси йўлида қатъий курашиб, мардлик намунасини кўрсатган, кучли ирода эгаси эканини намоён этган Руслан Чагаев халқимизнинг фахр-ифтихорига айланди.

Ҳаммамиз унинг бу жангда ғолиб чиқишини чин дилдан орзиқиб кутаётган эдик. Аммо, очиғи, Русланнинг ғалаба қозонишига ҳамманинг ҳам кўзи етмаганди. Ахир Николай Валуев амалдаги чемпион, бўйи Руслан дан 28 см. баланд, вазни эса 41 килограмм ортиқ... Мусобақадан бир кун аввал боксчилар вазни ўлчанганда Чагаев 103 кг. чиқди, Валуев эса 144 кг. тош босди. Бунинг устига россиялик боксчи профессионал боксда Руслан дан икки баравар кўп (46 та) жанг ўтказиб барчасида ғолиб чиққан. Руслан эса 23 учрашувдан 22 тасида ғалаба қозониб, бир марта дурангга эришганди. Кўриниб турганидек, табиийки устунлик Валуев томонда эди. Лекин аксарият мутахассису мухлислар масаланинг бошқа жиҳатларини хаёлга келтиришмаётганди.

Биринчидан, Руслан ўтаган мактабнинг пойдевори мустаҳкам эди. У ҳаваскорлик боксида икки карра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлганди. Осиё биринчиликлари, қатор нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиққанди. Аввалги учрашувда Жон Руизни енгиб, жаҳон чемпионлиги учун курашиш ҳуқуқига эришгач, ўз ҳаётидаги энг муҳим ҳисобланган бу жангга янада қаттиқ тайёргарлик кўрган эди. Ҳатто интернет сайтларида Чагаев жон-жаҳди билан машғулот ўтказаётгани, Валуев эса хотиржам балиқ овида юрганлигини ёзишди. Яъни, Валуев учун Чагаев унчалик хавфли рақиб эмас деган фикрга ишора эди бу. Айримлар эса, бу жангда Русланнинг ёш боладек калтак ейишини башорат қилса, айримлар «ким билан жанг қилмоқчи ўзи бу» қабилидаги беписанд гапларни ҳам айтишди.

Лекин улар Русланнинг иродаси мустаҳкам, ор-номуси кучли йигит экани, юртдошлари ва Юртбошига берган сўзининг устидан чиқиш масъулиятини қанчалик чуқур англаб турганини ўйлаб кўришмаган эди.

Бўлажак жанг ҳақида гап кетса, кўпчилик бу икки боксчининг бўйбастидан келарди. Тўғриси, ўзимиз ҳам шу атрофда фикр юритар эдик. Бу баҳайбат, енгилмас рақибдан устун келиши учун Руслан эпчиллик ва чаққонлик билан рингни айланиб юриши, керак пайтда яқин масофадан зарба бериб, яна ортга чекиниши керак, деб ўйлардик. Чунки ўта оғир ва анча ғавдали рақибининг зарбаси кишини ташвишга соларди. Булар-ку бизнинг қарашлар, тахминлар. Аммо, Руслан ва унинг мураббийи бу ҳақда нима деб ўйлаётганди?

Тўғриси, Германияга боргунимда омадим чопди. Руслан Чагаевнинг менежери Таймас Ниёзов ёрдами билан Штутгарт шаҳридан 15 км. узоқликдаги хушҳаво, тоғли шаҳарча — Нуюрчтингендаги Руслан яшаётган «Шлоссберг» меҳмонхонасига жойлашдим. Чагаевни икки нафар тансоқчи қўриқлаб юраркан. Унинг олдига таниш-билишлар ҳам, журналистлар ҳам қўйилмасди. Яшаётган меҳмонхонаси ҳам сир тутилар экан. Руслан ҳар куни эрталаб меҳмонхона яқинидан ўтган дарё қирғоғи бўйлаб югуриб келарди-да, биринчи қаватдаги спорт залида енгил машқларни ўтказарди. Чунки, дастур бўйича асосий тайёргарликни ўтаб бўлганди. Эрталаб уни залдан чиқишини кутиб ўтирдим. Ниҳоят ўзи ва мураббийи билан қисқагина гаплашиб олишга имкон бўлди.

— Тайёргарлигим яхши, — деди Руслан. — Мен ғалаба қилиш учун бутун кучимни ишга соламан. Биламан, ҳозир Ўзбекистонда бу жангни кутишаяпти, мендан умид қилиб туришибди. Мен профессионал боксга ўтаётганимда Президентимизга ваъда бергандим, чемпион бўламан деб. Сўзимнинг устидан чиқадиган вақт келди.

Рақибим ҳақида нима дейишим мумкин? У жаҳон чемпиони. Шунинг ўзи унга баҳо беришга етарли. Лекин, унинг бўйи ҳам, вазни ҳам мени ташвишга солаётгани йўқ.

Унинг мураббийи — кўнгли очиқ, самимий инсон Михаил Тимм эса бундай деди:

— Ҳозир кўпчилик Руслани рингда қочиб юриб жанг қилади, деб ўйлаяпти. Ундай эмас, аксинча бўлади. Руслан ҳужумкор усулни қўллайди, у ҳужумда бўлади. Руслан тезкор, техникаси яхши ва зарбалари кучли. Агар бир зарбаси аниқ тегса, нокаут қилади. Худо хоҳласа, ютади. Чемпион бўлса Тошкентга бирга борамиз. Мен Ўзбекистонда ҳеч бўлмаганман. Самарқанд ва Бухоронни кўриш ниятим бор.

Унга «Илоҳим ниятингиз амалга ошсин, сизларни Ўзбекистонда кутайлик», дедим. Лекин, очиғи, барибир кўнгилнинг бир четида ғашлик бор эди. Бокс — бу боксда. Яна ўта оғир вазнда. Биргина хато, биргина зарба масалани ҳал қилиб қўйиши мумкин.

Чагаевнинг менежери Таймас Ниёзов эса ниҳоятда ҳаяжонда эди. «Биз бу кунга осонликча етиб келганимиз йўқ, — деди у. — Кўп оғир кунларни кўрдик. Ёнимизда ҳар хил одамлар бўлди. Лекин Руслан ўзгармади. Инсонлигича қолди. Биласизми, бунақа пок, камтар спортчи профессионал боксда кам бўлади. У чемпион бўлишга ҳақли, у бунга лойиқ.

Жанг ўтадиган 14 апрель куни тонг саҳарда уйғониб кетдим. Ҳаяжон юки шунчалик оғир эдики, хонага ҳам сиғмай, кўчага чиқиб, меҳмонхона атрофида айланиб юрдим. Бир соатлардан сўнг қайтсам, Таймас фойеда креслода қўлини очиб, бошини эгиб, лаблари пичирлаб дуо қилаётган экан. Индамай келиб, рўпарасидаги креслога ўтириб, мен ҳам қўлимни очдим. Менга кўзи тушиб, бироз жилмайди-да, «Худодан Русланга омад тиладим», деди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Чунки, у Чагаев билан ўн йилдан бери бирга юргани, Русланга ота ўрнида ота, ака ўрнида ака бўлиб қолганини билардим. Бу жанг Руслан учун ҳам, Таймас учун ҳам энг муҳим жанг эди. Уларнинг бундан кейинги қисмати ана шу жанг натижасига боғлиқ эди...

Кеч соат 17.30 да Штутгартдаги «Порше-Арена»га етиб келдик. Олдин рейтинг бўйича ўнта жанг бўлади, сўнг, соат 22.30 да Чагаев — Валуев жанги бошланади.

Залда Таймасни кўриб қолдим. «Ҳозир Руслани бағримга босиб, омад тилаб келдим. «Хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида бўлади», деб айтди» деди. Кўнглим ёришгандай бўлди. Демак, Русланнинг руҳи баланд, ўзига ишонади. Бу катта гап.

Вақт ўтиб, жанг вақти яқинлашгани сайин ҳаяжонимиз жунбушга кела бошлади. Қўллаб-қувватловчи гуруҳ раҳбари, республика маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Қуттибоев, Германиядаги элчихонамиз раҳбарлари, Ўзбекистон профессионал бокс ва ҳаваскор бокс федерациялари раҳбарлари ва бошқа мухлислар бир тан-бир жон бўлиб, Руслан Чагаевнинг рингга чиқишини олқишлар билан кутиб олдик. Бутун жанг давомида «Руслан, Руслан, Ўзбекистон, Ўзбекистон!» сўзлари янграб турди. Русланнинг германиялик дўстлари Эрнест, Паул, Эмил ва бошқалар, Европа мамлакатларида ўқиётган, ишлаётган ҳамюртларимиз келиб бизга қўшилишган эди...

Жанг ҳамюртимизнинг яққол устунлигида ўтди. Ҳакам ғолиб сифатида Русланнинг қўлини кўтарган, «Ғалаба», «Чемпион», «Ўзбекистон» сўзлари янграганда ҳайқириқлардан 6 минг кишилик спорт саройи ларзага келгандек бўлди. Ҳамма-ҳамма биз ўзбекистонликлар, германиялик дўстларимиз — немису армани, украин, татар ва бошқалар бир-биримизни бағримизга босиб йиғлардик. Рингда эса Руслани мураббийлари бағрига босиб йиғлашарди. Ҳаяжондан қоп-қора терга ботган, қўйлаги ҳўл бўлиб танасига ёпишиб қолган Таймас Ниёзов югуриб бориб рингга чиққанида Руслан ўзини унинг бағрига отди. Руслани маҳкам қучган Таймаснинг елкалари титрар, кўзларидан эса ёш қуйиларди. Уларни кузатиб турганлар ҳам кўз ёшларини тўхатишолмасди. Ҳамма бир-бирини қайта-қайта бағрига босар, «Руслан чемпион, Ўзбекистон чемпион!» дея ҳайқирарди.

Мусобақанинг эртаси куни Германиянинг машҳур газеталаридан бири — «Welt Компакт»нинг биринчи бетида Русланнинг кучли зарбалари акс этган иккита сурат ва «Енгилмас Валуев ҳақидаги афсона пучга чиқди» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда жумладан шундай сўзлар бор эди: «Ўзидан 28 см. баланд ва 40 кг. оғир бўлган бўйи 2,13 метрли Н.Валуевни енгиб у ҳақдаги афсонани йўққа чиқарган Руслан Чагаев муносиб келажак ҳақида ўйлаши мумкин... Енгилган рус гиганти бу жангда ғолиб чиқиб, Кличкони жангга чақирмоқчи эди, энди эса у матч-реванш ҳақида ўйлашига тўғри келади».

Дарҳақиқат, энди шундай, ҳамюртимиз кўпчиликни лол қилиб, енгилмас Валуевдан чемпионлик белбоғини тортиб олди. Аммо, бу жангда Руслан юксак маҳоратдан ташқари мустаҳкам ирода ва матонат ҳам кўрсатганидан кўпчилик бехабар албатта. Чунки, бу сир тутилган эди. Руслан ўз ҳаётидаги энг муҳим бу жангни синган қўли билан ўтказганди. Тайёргарликнинг охирги машқларидан бирида унинг асосий зарба берадиган чап қўли бармоқ суягига дарз кетган эди. Рингга чиқишидан олдин унинг қўлига оғриқни қолдирувчи укол қилинганди.

«Ҳар бир қаттиқ зарба берганимда оғриқдан бошимга биров гурзи билан ургандек бўларди» деди у мусобақадан сўнг.

Мураббий Михаил Тиммдан «Русланнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?» деб сўрадим. «Энг аввало унинг тўғрисўзлиги ва камтарлигини, — деди у. — Руслан иродали йигит, буни бугун яна бир марта исботлади.

Профессионал боксда кўп спортчилар пулни биринчи ўринга қўйишади. Руслан ундай эмас. У спортни биринчи ўринга қўяди. Жуда меҳнаткаш, ақлли йигит...»

Ҳамюртимизнинг ушбу фазилатлари унинг ютуғида катта аҳамият касб этгани шубҳасиз, албатта. Руслан Чагаев дунёда камдан кам боксчиларга насиб этадиган ғалабага эришди. Бу ҳаммамизнинг ғалабамиз, Ўзбекистонимизнинг ғалабаси, меҳнаткаш, кўнгли тоза, нияти ёруғ халқимизнинг ушалган улуғ орзуларидан бири бўлди. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг исботи, Мустақиллик берган саодат бу.

Бу ғалаба мамлакатимизда спортни ривожлантириш, спортчиларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган беқиёс ишлар, саъй-ҳаракатларнинг ёрқин натижаларидан биридир. Русланнинг матонати ва жасорати эса ўсиб келаётган авлод учун намуна бўлади. Қаҳрамонлик, ватанпарварликдан сабоқ беради.

Бу ғалаба Ўзбекистон учун муҳим ғалаба, керакли ғалаба, тарихий ғалаба. Бу кун, бу ҳақда ҳали кўп ёзилади, гапирилади... Бу ғалаба энг қувончли, энг ғурурли кунларимиздан бири сифатида халқимиз хотирасида қолади.

**Сафар ОСТОНОВ,**
*Тошкент — Штутгарт — Тошкент.*



## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Қарши шаҳар кенгаши** ташаббуси билан Президентимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» номли интервьюси мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Қарши шаҳар Кенгаши депутатлари, маҳалла оқсоқоллари, мактаблар ва касб-ҳунар коллежларининг маънавий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, шаҳардаги масжидлар имом хатиблари, бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этди.

**Янгиариқ туман кенгаши** тумандаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Она юртимизнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Иштирокчилар Президентимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси билан чуқур танишиб, унда жамиятни маънавий ривожлантириш, халқимизнинг тарихий ва маданий мероси, анъана, урф-одатларини асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинганини таъкидладилар.

**Термиз шаҳар кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар Кенгашига ХДПдан сайланган депутатларнинг ва партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»да олиб бораётган ишлари таҳлил қилинди. Иштирокчилар депутатлик гуруҳи, хусусан, айрим депутатлар фаолиятини танқидий баҳоладилар. Тадбирда партия кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти ҳақида ҳисоботлар тингланиб, долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Янгибозор туман кенгаши**да «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, фуқаролар йиғини раислари ва бошқалар иштирок этдилар. Тадбирда ЎзХДП туман кенгаши раиси Ш.Юсупов «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишида туман партия ташкилотларининг роли ва вазифалари хусусида тўхталди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ЯНГИ ШИФОХОНА ХАЛҚ ХИЗМАТИДА



*Самарқанд вилоят силга қарши курашиш диспансери кўп йиллардан буён мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келаётган эди.*

*Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган 550 ўринли янги шифохонада эндиликда беморлар учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам қулай шароитлар яратилди.*

*Бу ерда саккизта бўлим, битта марказлашган лаборатория, марказий зарарсизлантириш бўлими ҳамда замонавий ташхис қўйиш асбоб-ускуналари беморларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.*

*— Фойдаланишга топширилган шифохонанинг афзаллик томонлари шундаки, — дейди бош шифокор Толиб Турсунов, Самарқанд туманининг Миронқул қишлоғидаги тоғ ҳавоси беморларнинг тезроқ соғайишига имкон беради.*

*«Жайҳун» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари томонидан бунёд этилган шифохонада бир нафар фан номзоди, 50 нафар олий тоифали шифокор, 44 нафар ўрта тиббиёт ходими беморларга малакали хизмат кўрсатиб келишмоқда.*

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратларда:*** шифохона ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**



❖ Партиямиз фаоллари

# ОДАМЛАР ИШОНЧИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ РЎЗИБИБИ ЭСОНОВАНИ ЯНАДА ФАОЛРОҚ ИШЛАШГА ДАЪВАТ ЭТАЁТИР

Вобкент туманида Рўзибибининг номи фаол аёллар сафида эътироф этилади. У ҳар доим қишлоқдошларининг қувончташвишларига елкама-елка турганги боис кўпчиликнинг ишончини қозонган. Рўзибиби депутат, Харгўш маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳудудий партия ташкилоти етакчиси сифатида одамларнинг оғирини енгил қилишга интилади.

— Биласизми, — дейди у, — бугун одамларнинг фикрлаш тарзи ўзгарган. Маҳаллада босаётган ҳар бир қадамингни улар теран идрок этиб туради.

Рўзибиби Эсонова бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган 124 нафар ХДП аъзоси учун ўзини масъул ҳис этади, бору йўғини, меҳнатини олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали бўлишига бағишлайди.

— Ҳамма бир мушт бўлиб бирикса, битмайдиган ишнинг ўзи йўқ, — дейди 28-мактаб директори, партия фаоли Салима Тангирова. — Арабхона қишлоғида мактаб йўқ, ичимлик суви масаласида ҳам муаммолар мавжуд эди. Рўзибиби ва унинг атрофига уюшган фаолларнинг саъй-ҳаракати туфайли муаммолар туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида ечилди.

Харгўш қишлоғида бўлганимизда партиямиз фаолининг ташаббускору жонкуярлиги ҳақида кўпчилик тўлқинланиб гапирди. Зеро, эл эътирофидан бўлак бахт борми? Бугун маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги қайси бир қишлоққа борманг, ободончиликнинг гувоҳи бўласиз.

— Бу ҳаёт экан, — дейди Муяссар Воҳидова. — Мана, бир неча йилдирки, юролмайман. Барака топсин, Рўзибиби кунора ҳолимдан хабар олади. Унинг бераётган далдаси, ўзининг ҳаракатчанлигини кўриб завқим келади. Ҳаётда ҳеч ҳам ўзимни ёлғиз ҳис этмайман.

Рўзибиби ҳудудда истиқомат қиладиган 42 нафар ногирон, 87 та кам таъминланган оила ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб туради. Бу ҳақда болаликдан ногирон Машҳура Эшпўлатова ҳам миннатдорчилик билан гапирди.

— Вилоят ва туман миқёсида ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашади, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Толиб Авезов. — Партия дастурий мақсадлари, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни тез-тез ўтказиб туради. Бунда Жамоатчилик қабулхонаси, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларининг куч ва имкониятларидан самарали фойдалана олади. Тарғибот гуруҳи аъзолари ёрдамида партиямизнинг ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб бораётган сиёсатини электорат орасида кенг ёйишга интилади. Баъзан ўйланиб қоламан. Фуқаролар йиғини раиси, БПТ етакчиси, вилоят Кенгаши депутати, яна қанча жамоатчилик ишлари, рўзғори... буларнинг барчаси бир аёлга оғирлик қилмасмикин? Лекин Рўзибиби ҳаммасини эплайди. Шунга вақт, имконият топади.

Харгўшда 51 та фермер хўжалиги бор. Уларнинг ярмига ХДП аъзолари раҳбарлик қилади. Рўзибиби уларга ҳам суянади. Малика Жўраева, Муҳаммад Иброҳимов, Зиёдулла Носиров, Ражаб Бобоев, Камол Қурбонов сингари фермерлар кам таъминланган оилаларга имкон қадар амалий ёрдам бераётган бўлсалар, Розия Аҳмаджонова, Роҳила Жумаева, Қумри Холмуродова, Қўчқор Ҳомидов, Раҳматилла Жўраев, Номоз Мирсаидовлар аҳоли ўртасида партия нуфузини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказишга яқиндан кўмак бермоқдалар. Яна бир жиҳат, Рўзибиби Эсоновага партиядошлари «Наврўз» ўйинғоҳини қайта таъмирлаш, қишлоқларда электоратни ташвишга солаётган айрим муаммоларни ҳал этишда ҳам яқиндан кўмак бераяптилар. Бу раиснинг зиммасидаги масъулият енгиллашади дегани эмас. Аксинча, одамлар ишончи, уни қўллаб-қувватлашлари Рўзибибидан янада фаолроқ ишлашни тақозо этаётир.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

## РАВОН ВА ЯҚИН ЙЎЛЛАР

Сирдарё шаҳридаги асфальт заводига хориж технологияси ўрнатилгач, бир кеча-кундузда 500 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ундан пойтахтни жанубий вилоятлар билан боғловчи катта магистраль йўлнинг Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтган қисмида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида фойдаланилмоқда.

— Бу ерда қурилаётган янги йўл Тошкент — Душанбе йўлининг 104-километридан бошланиб, Гулистон — Гагарин йўлининг 20-километрига бориб туташади, — дейди «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўлдан фойдаланиш ташкилоти директори Абдухалил Абдураҳмонов. — Бунинг эвазига манзил 20 километрга қисқаради. Қизғин паллага кирган бунёдкорлик ишларида фарғоналик, наманганлик ва жиззахлик йўлсозлар ҳам фаол иштирок этаётир.

Янги йўл қуриш баробарида илгари фойдаланиб келинган йўлларни жорий таъмирлаш, зарур жойларга асфальт ётқизиш ишлари ҳам бажарилмоқда. Ушбу йўллар атрофига 50 минг тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири**

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД КЎРИБ ЧИҚМОҚДА

*Украина Конституциявий суди мамлакат парламентининг 53 депутати мурожаатини очиқ ялпи мажлисда кўриб чиқмоқда. Мурожаатда республика президенти Виктор Ющенконинг мамлакат парламенти – Олий Радани тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш тўғрисидаги шу йил 2 апрель куни имзолаган фармони қонунчиликка нечоғли тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш баён этилган.*

*Конституциявий суднинг очиқ ялпи мажлисида судьялар тўлиқ таркибда (улар 18 нафар бўлиб, 6 нафари президент ваколатига кўра, 6 нафари парламент, яна шунчаси Судьялар қурултойи ваколатига кўра тайинланган) иштирок этмоқда. Президент фармони билан боғлиқ иш юзасидан қарор қабул қилиш бўйича муддат белгиланмади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, «Украинская правда» газетасининг ёзишича, 2 – 3 кундан кейин бу иш юзасидан қарор қабул қилиниши мумкин. Конституциявий суд раҳбари Иван Домбровскийнинг айтишича эса иш ўта мураккаблиги боис 27 апрелгача чўзилиши эҳтимоли бор. Якуний қарор қабул қилиниши учун судьяларнинг камида 10 нафари овоз бериши керак.*

*Аслида бу иш юзасидан Конституциявий суд мажлиси 11 апрелда бошланиши лозим эди, лекин суд раиси қарорига кўра, у 17 апрелга кўчирилди.*

*Дарвоқе, 10 апрель куни Конституциявий суднинг 5 нафар судьяси айрим мансабдор шахслар томонидан тазйиққа учраётгани, бундай шароитда ишлаб бўлмаслигини айтиб, суд ишида иштирок этишдан бош тортган эди. Бироқ ўтказилган музокаралардан сўнг улар рози бўлишди.*

*Яна шуни таъкидлаш лозимки, Украина бош вазири Виктор Януковичнинг айтишича, агар Конституциявий суд президент фармонини ноқонуний деб топса, президент Виктор Ющенкога импичмент эълон қилиш мумкин экан. «Экспертлар баҳосини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, президентда иккита вариант бор, яъни Конституциявий суд қарори чиққунча ўз фармонини бекор қилиб, музокаралар йўлини танлаш ёки импичментни кутиш», деди бош вазир.*

*Аммо импичмент қўллаш чораси мамлакат қонунчилигига кўра қийин. «Импичмент чораси бизнинг қонунчиликда шундай мураккаблаштириб ташланганки, у ҳозир нореал. Импичментни бошлаш учун парламентнинг 375 та овози керак. Бундан ташқари, Конституциявий суднинг, Олий суднинг, бу ҳам етмагандек, бизда йўқ махсус прокурорнинг ҳамда махсус текширув комиссиясининг қарорлари бўлиши шарт. Шундай экан импичмент ҳақида умуман ўйламанг» деди Олий Рада раисининг биринчи ўринбосари Адам Мартинюк «Известия в Украине» газетасига берган интервьюсида. «Юлия Тимошенко блоки» етакчиси Юлия Тимошенко эса агар Конституциявий суд президент фармонини ноқонуний, деб топса, суд қарорини тан олмаслигини уқдирди. У шунингдек, навбатдан ташқари парламент сайловларининг президент томонидан белгиланган муддати (27 май) кейинга сурилишига ҳам қарши эканлигини билдирди.*

## ТИЛ БИЛМАГАНИ УЧУН ЖАРИМА

*Эстониядаги Йыхвиск рус гимназиясининг 17 нафар ўқитувчисига эстон тилини етарли даражада билмагани учун 100 кронданн 1200 кронгача (8 дан 104 долларгача) миқдорда жарима жазоси белгиланди.*

*«Росбалт» ахборот агентлигининг хабар беришича, Эстония Тил инспекцияси яқинда гимназия ўқитувчиларининг билим даражасини текширувдан ўтказгач, айрим ўқитувчиларнинг эстон тилини билмаслиги маълум бўлиб қолган. Эндиликда бу ўқитувчилар 2008 йил 1 сентябргача эстон тилидан давлат имтиҳони топширишлари шарт.*



*Маълумки, амалдаги «Тил тўғрисида»ги қонунга кўра, Тил инспекцияси нафақат мактаб ёки олий ўқув юртларида, балки давлат ташкилотлари-ю корхоналарида ишлаётган ходимларнинг ҳам тил билиш даражасини текшириш ва билими белгиланган меъёрларга жавоб бермайдиган ходимни қайта давлат имтиҳони топшириш учун йўлланма бериш ҳуқуқига эга.*

## НАРХЛАР ОШИРИЛИШИГА ҚАРШИ

*Грузия пойтахти Тбилиси шаҳар мэрияси биноси олдида мингга яқин киши табиий газ ва жамоат транспортида йўлкиралар нархи оширилишига қарши норозилик намойишини ўтказмоқдалар. Грузия лейбористлар партияси, «Озодлик» ва «Грузинский даси» партиялари вакилларидан иборат бу намойишчилар, шунингдек, солиқларнинг камайтирилишини, пенсияларнинг оширилишини талаб қилмоқдалар.*

*Норозилик акциясини патруль полицияси кузатиб турибди. Улар тартибни сақлаш ва транспорт ҳаракатига ҳалақит бермаслиги учун намойишчиларнинг кўчага «юриш қилиши»ни чеклаб туришибди, дейилади «Новости» ахборотида.*






## ТОЛИБОНЛАР ҲУЖУМИ

*Кобул шаҳридан 70 километр шимолда жойлашган Каписа музофотидаги аҳоли пунктига толибонлар ҳужум уюштирди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарида. «Толибон» ҳаракатининг юзга яқин жангариси йўллардаги полиция постлари, музофот маъмурияти биносига қилган ҳужуми натижасида 5 нафар полициячи яраланди, жангарилардан эса бир нечтаси йўқ қилинди, деди музофот губернатори Абдул Саттор Мурод. У, шунингдек, Афғонистондаги АҚШ қўшинлари қўмондонлигидан ёрдам сўраганини айтди.*

*Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили айнан толибонлар уюштирган ҳужумлар натижасида 4 мингдан ортиқ киши қурбон бўлган. Афғонистонда вазият мураккаблиги боис шу йил бошида АҚШ Афғонистондаги ўз ҳарбий контингенти сонини 2,5 минг кишига кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилган.*

## ГЕНЕРАЛГА АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

*Польшанинг 84 ёшли генерали, «коммунистик тузум» даврида мамлакатни бошқарган Войцех Ярузельскийга нисбатан ўша пайтда содир этган жиноятлари учун айблов эълон қилинди. У 1981 йили мамлакатда «ҳарбий ҳолат» жорий этганликда ҳам айбланмоқда. Бундай айбловлар собиқ социалистик Польшанинг ўша пайтдаги 11 раҳбарига нисбатан ҳам эълон қилинди. Агар айбловлар тасдиқланса, улар 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.*

*Ишни Варшава туман суди олиб бормоқда.*

*ИТАР-ТАСС хабарига кўра, 1968 йили Ярузельский Польшанинг мудофаа вазири бўлган ва собиқ шўро қўшинларининг Чехословакияга бостириб киришида фаол иштирок этган. «Бирдамлик» инқилоблари авж олган 1981 йилда Польша коммунистик партияси етакчиси ва бош вазир бўлган, шу йили мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этган. 1985 йилдан 1990 йилгача Польша президенти бўлган.*

## РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛМАГАН САМОЛЁТЛАР

*Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушевнинг Антитеррор миллий қўмитаси мажлисида маълум қилишича, — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, — мамлакатда рўйхатдан ўтказилмаган нолегал самолёт ва вертолётлар сони анчагина экан.*

*«Ространсназорат» ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларида қайд этилишича, шу йил 1 январь ҳолатига 2 минг 800 та самолёт ва вертолёт давлат рўйхатидан ўтказилмай фойдаланилаётганлиги аниқланган.*

*Патрушевнинг сўзларига қараганда, транспорт соҳасини назорат қилиш ва текшириш ваколатига эга бўлган идоралар вакилларида маълумотлар тўлиқ эмас, улар ҳатто авиацияга эга айрим идораларга киролмайдилар ҳам.*

*Унинг айтишича, сертификати йўқ ва рўйхатдан ўтказилмаган авиация транспортидан фойдаланиш авиаҳалокатлар сонининг ортишига ёки террор содир этилишига олиб келиши мумкин.*

*Яна шуни эслатиш лозимки, шу йил 11 апрель куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари Москва остонасининг Истринск туманида 19 та учувчи техникага эга нолегал аэродром борлигини аниқладилар. Эндиликда аэродромдаги барча учиш техникаларининг парвози тақиқлаб қўйилди.*

❖ Ҳолат, мулоҳаза, муносабат

# ЎЙЛАНМАЙ ҚИЛИНГАН ИШ, КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Агар Кулолнинг дастгоҳи синса, у қандай кўйга тушади? Узоқ йиллик қадрдон корхонаси хонавайрон бўлган ишчи-чи?

— Қанча одамлар ризқи қийилдия, — дейди куюниб Г.Темирова. — Тўғри, корхонамиз қийин аҳволда қолган пайтлари ҳам бўлган. Бироқ яна ўнгланиб кетган. Агар имони бут тадбиркор қўлига ўтса, минг-минглаб ҳунармандларни бирлаштирса бўларди. Қаранг, қўш қаватли бинолар, цехлар қўлдан кетди. Гўёки ҳаммаси кўз очиб юмгунча юз бергандек...

Афсуски, бу воқеа кўз очиб юмгунча фурсат оралиғида юз берган эмас. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ташкил топиб, миллий ҳунармандчилигимизнинг Қашқадарё воҳасидаги марказларидан бирига айланган Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар корхонаси айрим кимсаларнинг нафси қурбони бўлди. Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 2006 йил 1 февралдаги ажримига кўра, корхона банкрот, деб эътироф этилди.

Энди банкротликка олиб келган сабаблар ҳақида тўхталсак. 2003 йил корхонанинг 153 миллион сўмга баҳоланган молмулки гаровга қўйилиб, «Ипотека» (олдинги «Уйжойжамғармабанк») банкидан 26 фоиз устама ва 18 ойда қайтарилиши шарти билан 100 миллион сўм кредит олинди. Бироқ кредит вақтида қайтарилмади. Натижада устама фоиз билан ҳисоблаганда корхона банкдан 149 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. Нега, қандай қилиб? Уй ҳунармандчилиги — касаначиликни ривожлантирамиз, деб олинган кредит нега қайтарилмади?

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, агар банкдан олинган кредит мақсадли — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланганда эди, ишчи ўринлари кўпайиб, корхона бугун гуриллаб ишлаб турган бўларди. Ўтказилган тафтиш ва олиб борилган тергов корхона раҳбарларининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиши ва ўз ишига совуққон муносабатда бўлиши таназзулнинг бош сабабчиси бўлганлигини кўрсатди.

Қийинчиликни бошидан кечираётган «Ҳужум» бадиий буюмлар корхонаси бошқаруви раислигига 2003 йил 13 январда Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз ҳудудий бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Гулнора Одилова сайланади. У кишининг «Кенагасбегим» хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси ҳам бор эди. Уч ташкилот раҳбари бўлган Г.Одилова судда шундай деди: «100 миллион сўм банк кредити эвазига Наманган вилоятидан ипак, бяз, бўз, чит маҳсулотлари олиб, «Ҳужум» корхонасига кирим қилганмиз. Ана шу хомашё ва маҳсулотларнинг 81.487.041 сўмлигини ўзимга тегишли «Кенагасбегим» савдо ишлаб чиқариш фирмасига, 42750388 сўмлигини «Ҳунарманд» уюшмасига олдиндан 15 фоизли тўловларни амалга оширмасдан берганман...» Ана шундай «Ҳужум» ҳисобидан хотамтойликлар натижасида корхона борган сари ўтира бошлади.

Бундан ташқари, ҳар иккала корхона — «Ҳужум» ва «Ҳунарманд» уюшмаси ҳунармандлари тайёрлаган тўн, кашта ва бошқа хил буюмларни раҳбар ҳеч қандай тўловларсиз бошқа корхоналарга бериб юборавераді. Натижада 2006 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида юқоридаги икки корхонада 126216700 сўмлик дебитор ва 41.305.724 сўмлик кредитор қарздорлик вужудга келган. Шуниси қизиқки, раҳбар Г.Одилова нуқул «Ҳужум» ва «Ҳунарманд» уюшмаси ҳисобидан сахийлик қилади. Хусусий корхонасига келганда эса — йўқ, чунки у шахсий мулки-да... Масалан, «Ҳунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз бўлимига тегишли 37944251 сўмлик хомашё ва тайёр маҳсулот Г.Одилова таъсис қилган хусусий «Кенагасбегим» фирмасига бериб юборилганига нима дейсиз? Ушбу «сахийлик» оқибатида уюшма ҳисобида 27 миллион 710 минг сўмликдан ошиқ камомад вужудга келган. Бу ҳақда ҳисобчи Ш.Ражабов «Раҳбаримиз Г.Одилова ўзим сотиб, пулини олиб келаман дегани учун, ишонич маҳсулотларни унинг номига ва «Кенагасбегим» хусусий фирмасига чиқим қилиб юборганмиз» деб айтади. Омбор мудири Ф.Муҳаммадиевнинг гаплари бундан ҳам ажойиб: «Раҳбаримиз Г.Одиловаинг «ҳозирча омборхонамиз мавжуд эмас, жавобгарлигингиздаги маҳсулотларни мен олиб кетиб сақлаб тураман», деган гапига ишондим...». Эътибор беринг-а, қанчалик «соддалик»?!

Албатта, бир киши юқоридаги талон-торожликларни эплай олмасди, бу «операция»ларда «Ҳужум» корхонаси ҳисобчиси Мирзоҳид Қўчқоров, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳисобчиси Шуҳрат Ражабов, омбор мудири Фазлиддин Муҳаммадиевлар ўзаро «ҳамкорлик» қилишган. Хуллас, солиқ ва бошқа тўловларни қўшиб ҳисоблаганда улар корхоналарга 114 миллион 900 минг сўмлик зарар келтиришади. Бундан ташқари, тафтишчи ва терговчилар томонидан текшириш давомида корхоналарда алоҳида рухсатсиз улгуржи савдо юритилганлиги, чакана савдодан тушган пуллар банкка топширилмаганлиги, катта миқдордаги солиқ тўловлари атайлаб тўланмай келинганлиги, ҳисоботлар чалкаштирилганлиги ҳам очиб ташланди.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан айбланган Г.Одилова, М.Қўчқоров, Ш.Ражабов, Ф.Муҳаммадиевларнинг қилмишига баҳо беришда қонунларимизнинг одиллигидан келиб чиқиб, уларнинг қилган ишидан пушаймонлиги, Г.Одиловаинг қариндошлари томонидан топширилган 85510500 сўмлик мулк келтирилган зарарнинг бир қисмини қоплашга йўналтирилганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг ҳар бирига қилган жиноятига яраша жазо тайинланди.

Юртимизда тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйиши учун давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратиб берилганига қарамай, юқоридаги каби жиноятнинг юз бераётганлиги кишини ўйлантириши табиий. Гапнинг сираси, яра бирдан газакламайди. Ҳисоб-китобларнинг қонунга зид юритилганлигига, солиқ тўловларидан бўйин товлашларга нисбатан солиқ идораси ходимлари томонидан вақтида тегишли чора кўрилганда, балки корхона таназзулга учрамасмиди, юлғичлар ўрнига корхона манфаатларини ўйлайдиган раҳбарлар келармиди? Бундан ташқари, Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз бўлими тузилаётганда «Ҳужум» корхонасини назардан қочирмаслик, айнан шу жойда ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳақида ўйлаб кўрилганда, айни муддао бўларди, деб ўйлаймиз. Чунки бу корхонада қўша-қўша иморатлар, цехлар, катта имкониятлар, хусусан, миллий ҳунармандчилигимизнинг бир неча ўн йиллик тажрибаси мавжуд эди. Ўз навбатида «Ипотека» (аввалги «Уйжойжамғармабанк») 100 миллион сўмлик кредит ажратар экан, қарздорнинг кредитни узиш имкониятларини чуқур ўрганиши лозим эди. Ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши устидан ҳам назоратни ўрнатганида кредит вақтида қайтарилган бўларди.

Ҳар қанча аччиқ бўлса-да, бугун «Ҳужум» корхонаси банкротга учради. Юзлаб ҳунармандлар, касаначиларга ризқ улаша оладиган корхонанинг иморатлари, мулклари қарзни узиш учун ҳозир сотишга қўйилган. Хуллас, корхона учта-тўртта ўз нафсининг қуллари хатти-ҳаракатлари ҳисобига таназзул ботқоғига ботди. Бунда нафақат нафс балоси, балки корхонада ишлаётганларнинг эътиборсизлиги, атрофдагиларнинг совуқ муносабати ҳам катта «вазифа» бажарган. Огоҳлик, жамоатчилик назорати йўқ жойда қонунни оёқости қилиш учун имконият пайдо бўлади. Юқоридаги каби ҳунук оқибатлар келиб чиқмаслиги учун барчамиздан эътиборли ва қонун устуворлиги учун курашчан бўлишимиз талаб этилади.

**Бобир ҚУРБОНОВ,**
**Шаҳрисабз тумани прокурори,**
**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

**«POYTAXT AUKSION»**
**давлат унитар корхонаси**

2007 ЙИЛНИНГ 22,25,30 МАЙ ВА 1,5,8,12,15,19,22,26,29 ИЮНЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

**Аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

*Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг қуйидаги автотранспорт воситалари:*

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 938 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.**

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 926 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.**

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 900 бўлган «ГАЗ-3307» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 800 000 сўм.**

— 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 902 бўлган «ЗИЛ-53 автоцистерна» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.**

— 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 911 бўлган «ГАЗ-5312» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.**

Шунингдек, Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Фаробий кўчаси, 333-«а» уйда жойлашган «Ўзстандарт» Республика синов ва сертификаташтириш марказининг 1978 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АВ 826 бўлган «ЗилММЗ-4502» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«а» уйда жойлашган Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 217 бўлган «ГАЗ-3102311» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 7 000 000 сўм.**

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**
**Мурожаат учун телефон: 133-02-49.**
**Гувоҳнома № 000815**

## ❖ Қутлов

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

### ШОДЛИК ШАЛОЛАСИ

*Қувонч қўнғироғи тутди самони,*
*Зарби-ла забт этди Руслан дунёни.*
*Шодлик кўз ёшлари шалола бўлиб,*
*Шукрига шарафлар элим Худони.*

*Ҳар ким асролмагай кўнгил гулини,*
*Олам олқишлайди ўзбек элини.*
*Алпомиш руҳи ёр бўлди Русланга,*
*«Дев»лар ҳам кўтарди икки қўлини.*

*Тўрт сатр шеър битмоқ бу бурчим, ҳаққим,*
*Бир-биринг қутлагин, эъзозла, халқим.*
*Эл ичра Русланлар омон бўлсалар,*
*Ётларга бермайди ўзбек ўз ҳақин.*

## ❖ Спорт

### КУЧЛИЛАР ОЛИЙ ЛИГАДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг иккинчи босқич беллашувлари якунланди. Мусобақа қоидасига кўра, унда дастлабки босқичда кучли олтиликка кирган ва олий лигада сўнгги олти ўринда қайд этилган шахматчилар тўртта йўлланма учун ўзаро куч синашди.

Бир даврали тизимда ўтказилган беллашувларда уч нафар шахматчи — Бегали Саидов (Сурхондарё), Вильдан Ғуломов (Наманган) ва Александр Касьян (Тошкент) ўн бир имкониятдан 7,5 тадан очко жамғариб, кучли учликни банд этди ва олий лига йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, етти очко билан мусобақани тўртинчи ўринда якунлаган андижонлик Иброҳим Каримов ҳам мамлакат чемпионатининг олий лигасида дона суриш ҳуқуқига эга бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

## ❖ Ватан ҳимояси — олий шараф

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

# ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

Бугунги кунда аскарлик либосини кийиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Орзуга етишиш учун чақирилувчи таъбир жоиз бўлса, минг бир чиғириқдан ўтиши керак. Ана шундан кейингина муддатли ҳарбий хизматга олинади. Демак, аскар бўлиш бахт. Чунки, ҳарбий хизмат инсонни тоблайди, чиниқтиради, қатор имтиёзлар беради.

Қолаверса, мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш ҳаёт йўлларини танлашда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Эндиликда ҳарбий хизматга чақирилувчи нафақат жисмонан бақувват, балки билимли ва маънавиятли бўлишига катта аҳамият бериляпти. Негаки, армияга боришни хоҳловчи талабгорлар кўп. Саралар-нинг сараси, муносиблар ҳарбий хизматга чақириляпти.

Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч. Шу кунларда Тошкент вилоятидан ҳам юзлаб йигитлар ана шундай шарафли вазифани бажариш учун жўнаб кетишмоқда.

Тошкент вилояти мудофаа ишлар бошқармаси йиғин пунктидамиз. Бу ерда чақирилувчиларни қўшинларга жўнатиш тадбири бўлиб ўтди.

Ҳамманинг юз-кўзида қувонч, ҳаяжон. Чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Байрам тушлиги, концерт... Буларнинг ҳаммаси ҳарбий соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар самарасидир. Ҳа, миллий армиямизда янгича анъаналар пайдо бўлди.

Чақирувчилар, уларнинг отаоналари, яқинлари билан суҳбатлашдик.

— Биз Қибрай туманиданмиз, — деди саксон бир ёшли отахон Собир Ҳайитматов. — Ўттизга яқин набирам бор. Уларнинг кўпчилиги армияда хизмат қилган. Набирам Козимжон ҳам бугун армияга кетаяпти. У халқимизнинг ишончини оқлайди.

— Чегара қўшинларида хизмат қиламан, — дейди мамнун ҳолда Козимжон. — Тенгдошларим ичидан танланиб, хизматга чақирилганимдан хурсандман. Биз бурчимизни виждонан бажарамиз.

Дарҳақиқат, бугун ҳарбий хизматга жўнаб кетаётганлар элимизнинг мард, жасур фарзандлари. Ана шундай довюрак ўғлонлар тинчлигимиз қалқонларидир.

Равшан ШОДИЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — 0:1

**Кеча футбол бўйича 2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари Осиё минтақаси саралаш баҳсларининг навбатдаги учрашувлари ўтказилди. Мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси тўртинчи турда Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушди.**

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ер куррасининг ушбу нуфузли мусобақасига йўлланмани қўлга киритишга астойдил бел боғлаган Ўзбекистон Футбол федерацияси навбатдаги ўйин арафасида янгиликка қўл урди. Жумладан, XX асрнинг машҳур футболчиларидан бири, мамлакатимиз «чарм тўп» усталарининг XII Осиё ўйинларидаги ғалабасига катта ҳисса қўшган мураббий Биродар Абдураимов ЎФФнинг терма жамоалар билан ишлаш бўйича техник директори этиб тайинланди. Ўйлаймизки, келгусида тажрибали мутахассиснинг маслаҳатлари миллий, Олимпия, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларининг халқаро миқёсда янги марраларни забт этишида асқотади.

Ёдингизда бўлса, Жанубий Кореяда уюштирилган дастлабки учрашувда мезбонлар вакилларимиз дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашганди. Тошкентдаги ўйинда бетоблиги туфайли Садриддин Абдуллаевнинг майдонга тушмаганлигини ҳисобга олмаганда, бош мураббий Вадим Абрамов таркибда деярли ўзгариш қилмади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида меҳмонлар томонидан киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди — 0:1.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари — Яман Олимпия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

### «ЧЕЛСИ»НИ БОШҚАРИШ ОСОНМАС

Германия терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Юрген Клинсманн Лондоннинг «Челси» клубига раҳбарлик қилиш таклифини рад этди. Чунки, у АҚШнинг Калифорния штатида яшайди. «Челси»га бош мураббий бўлиш эса унинг оилавий аҳволини қийинлаштираркан. Англиянинг «The Sun» нашри ёзишига қараганда, Юрген Лос-Анжелесда «Челси» клуби соҳиби Роман Абрамовичнинг вакиллари билан учрашган. Россиялик тадбиркорлар Юрген таклифни рад этаётганини билишганда «Челси» Англия кубоги ярим финалида «Блэкберн» жамоасига қарши тўп сураётган эди.

Бу учрашувда лондонликлар 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, финалга чиқишди. Табиийки, Роман Абрамович ўз қувончини бош мураббий Жозе Моуриньо билан баҳам кўрди. Энди Англиянинг баъзи оммавий ахборот воситаларида Жозе клубни ҳали-бери тарк этмаса керак, деб ёзишмоқда.


# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган* ***«Келажак овози»*** *танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида*

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Танлов шартлари:**

*Танловга «Келажак овози» танлови жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади.*

*Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.*

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Танлов номинациялари:**

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

— «Келажак овози» танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами;

— «Келажак овози» танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами.

*Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:*

— ***битта 1-ўрин;***
— ***иккита 2-ўрин;***
— ***учта 3-ўрин.***

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

***Материаллар «Келажак овози» республика танловини ёритишга» деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:***

**Тошкент шаҳри, 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.**
**Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96, www.mmf.uz,e-mail:mmf@uzpak.uz.**


❖ Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

***Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Севара МУСАЕВА Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманида туғилган. У тумандаги 42-мактабда ўқиш билан бирга 12-болалар мусиқа мактабида ҳам таълим олди. У шеърлар машқ қилиб туради. Ҳатто куй ҳам басталайди. «Ватаним» шеърига басталаган куйи мутахассислар томонидан эътироф этилган.***

## «ОРЗУЛАРИМ — ҚАНОТИМ»

Севара ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса арзигулик иқтидор соҳибаси. Унда қизларга хос жамики назокат, одоб-ахлоқ жамлангандек гўё. Бу истеъдодли қизда интилувчанлик ва ташаббускорлик мужассам. Севара «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган бир қатор кўрик-танловларнинг республика босқичида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Севара Мусаева вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда болаларга аталган туркум кўрсатувлар тайёрлашга ҳам улгурди. Жумладан, у бошловчилик қилаётган «Биласизми, болалар?» кўрсатуви кўпчилик кичкинтойларнинг севимли кўрсатувига айланган. Севара ҳозирда Музработ туман кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежида таҳсил олмоқда.

Бу қиздаги изланувчанлик ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У бу йил Президентимизнинг Қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Севара эндиликда бу ғамхўрлик, эътиборга муносиб бўлиш учун янада катта ишларга қўл урмоқчи — юртимиз ривожи, гуллаб-яшнаши йўлида астойдил ўқиб-изланиб, эзгу ишларни амалга оширмоқчи.

Басандабону ЖАЛИЛОВА


## ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

**объявляет тендер №7 на 2007 год на приобретение ниже перечисленных запасных частей и комплектующих для грузового вагона согласно графика поставки (2-4 квартал 2007 года) по лотам:**

***1. Рама боковая в сборе № чертежа 100.00.020 — 4 сб в количестве 2000 штук.***

***2. Балка надрессорная в сборе № чертежа 100.00.010 — 4 сб в количестве 1000 штук.***

***3. Каркас тележка модели 18-100 без колесной пары количестве 200 штук.***

***4. Подшипник буксовый 30-42726 в количестве 4 584 штук.***

***5. Подшипник буксовый 30-232726 в количестве 4 584 штук.***

**За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йуллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410. Телефоны: 138-84-72, 138-86-34.**

***Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.***

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Объект номи:***
***«Фурқат тумани, Сурпа қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш», «калити билан»***
***Қурилиш муддати — 01.10.2007 й.***
***Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.***
***Манзил: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй,***
***телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.***

Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 02.00
Topshirilgan vaqti — 02.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda